

Бажарилиши икки йилга мўлжалланган ёш олимлар амалий лойиҳалари танлови мавзуси

| “Ер тўғрисидаги фанлар” йўналиши бўйича | | | |
|--|--|---|--|
| № | Амалий лойиҳа мавзуси | Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа | Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| 1 | <p>Геология йўналишида таълим олаётган талабалар учун геофизика фанидан амалий машғулотларни рақамли технологиялар асосида ташкил этишнинг мультимедиа маҳсулотини яратиш</p>  | <p>Тадқиқот шакли: Геология йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун геофизика фанидан амалий машғулотларни рақамли технологиялар асосида ташкил этишнинг мультимедиа маҳсулотини яратиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.</p> <p>Илмий-тадқиқот натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - геофизика фанларидан ўқув дастурлари, шунингдек, индивидуал топшириқларни бажариш бўйича кўрсатмалар геология ва геофизика йўналишлари бўйича таҳсил олаётган талабалар учун курс дастурига мувофиқ тузилади; - шахсий топшириқларни бажариш учун талабалар дала геофизикаси жараёнларини чуқурроқ тушунишлари учун тўғридан-тўғри ва тескари муаммоларни симуляция қиладиган дастурлар мажмуаси ишлаб чиқилади; - геология йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун геофизика фанидан амалий машғулотларни рақамли технологиялар асосида ташкил этишнинг мультимедиа маҳсулоти яратилади. <p>Натижаларни синовдан ўтказиш: Тадқиқот натижалари олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги тасарруфидаги ўқув муасасаларида синовдан ўтказилади.</p> <p>Илмий натижаларни чоп этиш: Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли хужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus халқаро маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p> | 0,5 млрд сўм |
| Жами йиллик: | | | 0,5 млрд сўм |

* Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,0 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.